

ЮРТ КАЙГУСИ

(Туркистоннинг фиғони)[1]

Ман бурунги замонда илм ва маданият ўчоги бўлгоним учун дунёнинг маъмур ва масъуд ўлкасидан саналар эдим. Шунинг учун эдики, ҳозирда кўйнимдаги (харобазорлардан иборат бўлгон) Самарканд - «Самарканд фирдавсмонанд» аталур эди. Чин ўғлонларимдан бўлгон у ботур, у жаҳонгир Темур даврида кўргон умроният ва бахтиёрлигим киёматгача эсимдан чикмас.

Ох! На бўлдим, сўнги болаларим илм ва маорифдан узоклашдилар. Ота-боболарининг йўлларидан чикдилар. Нега оталариндан мерос қолгон маорифни ташлаб жаҳолатни ихтиёр этдилар? Бирликни кўйиб, нифок ва низога недан киришдилар? Илгари ёт ва душманлар кинини тўқмак билан ифтихор қила эканлар, сўнгра жаҳолат ва нафсоният сабабли ўз диндош ва қондошларининг қонларини тўқдилар. Бошқа иборат билан айтганда, ўз томурларига ўзлари болта урдилар. Мана бу озғунлик ва ахлоқсизликлари сабабли бир-бирларидан айрилишиб бўлак-бўлак бўлдилар-да, ётлар тарафидан қулайгина ютилдилар, ўз истикболларига хотима чекдилар. Бу орада маним устимдаги маданият осориндан бўлгон тоғ қаби мадрасалар ва расадхоналар ҳам харобазорга айланиб қолди.

Ох! Хар на бўлди, энди ўтди... Модомики, маним қўлимдан чидам, тўзим ва яхши дуодан бошқа иш қелмас эди, у ноҳулқ болаларим ҳақида Тангридан тавфик ва инсоф талаб тура эдим. Йўқ, бахтсизлигимдан булар тезликда инсоф ва интибоҳга қелмадилар. Теварагимдаги ёт элларга қарасам, аларнинг хар бирлари қундан-қун маданийлашмоқца, олдай бормоқда ва тинчгина яшамоқдалар.

Аларнинг бу ҳолларини кўруб, яна қот-қот дардим зўрайдир, ҳасратим кўпаядир, бурунги шон ва шавкатим, иморат ва маданийим эсимга қела бошлайдир. Хўнгир-хўнгир йиглайман, нола ва фарёд қиламан... Аммо маним бу ҳолимни кўрувчи кўз қайда? Қайгули товушимни эшитгувчи қулоқ қани?..

Ох! Қандай бахтиқаро эканман, нечук толесиз эканманки, бу қунда маним қўшнларим интибоҳ азонин эшитиб уйғонгон ва ўз саодатлари сари югурмоқда бўлгон ҳолда, маним бахтсиз авлодим бир-бирлари билан нифок ва адоват қучи билан талашиб, ёқалашиб, охири ҳориб, қучсизланиб жаҳолат тўшагинда ҳануз ухламоқда ва жонсиз гавдалар қаби ҳануз ётмоқдалар...

Ай туркистонли турк ўғлонларим! Энди турингиз! Жаҳолат уйқусиндан уйғонингизки, қичик қиёмат қўпди!.. Агар бу чоғда ҳам уйғонмай ўзингизни асорат қишанингиздан, ёқангизни жаҳолат қанғалиндан, юртингизни душманлар тирногиндан ажратиб қутулмасангиз, сўнфа буюқ қиёматда сизларга тамуғ ериндан бошқа юрт берилмас, заққум ошиндан бўлак емак едирилмаски, расвои олам бўлурсиз.

Ай турк болаларим, уйгонингиз! Уйгонингиз! Мана, бокингиз, кичик киёмат бўлиб колди. Хар кимсанинг номаи аъмоли ўз кўлига берилди. «Аъмоли» тарозуси хам курилди. Мана карангиз! «Аъмоли солих»и ортук келган миллатлар шодлик билан учмок, саодат сари чопмокда. Аммо ёмон илми орткон кавмлар «сирот» кўприкиндан ўтолмай, тамуг сари тушмакда ва йикилмокдадирлар...

Ай суюкли ўғлонларим, уйгонингиз! Уйгонингиз! Тонг отди, энди ухламок харом!.. Киёмат кўпди, энди тек турмак махол! Ана тинглангиз! Хозирги маданиятнинг сури Исрофили, охир замоннинг муаззини на дер? Дерки, «Хаййа ғалал фалах!».

«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 10 ноябрь

[1] Ушбу макола беш йил бурун «Шўро» мажмуасининг олтинчи жилд ўнинчи бетинда ёзилгон эди. Бу дафъа «Юрт кайгуси»га иштирок этмак учун баъзи иборатларини ўзгартиб, бу ерга кўчирилди.